

қандайдир ягона тизими мавжуд эмас. Ушбу фикрни тасдиқлаш мақсадида муаллифлар Европа Иттифоқи мамлакатларида корпоратив назорат тизимларининг солиштирма таҳлилини келтирадилар. Уларнинг таҳлили акциялар овозга эга пакетларининг тахминан 5-10 %ини қоплади. Қамровнинг бунчалик паст улуши корпорациялар ва акциядорларнинг капитали тўғрисида ахборот олишнинг мураккаблиги билан боғлиқ. Европанинг аксарият мамлакатларида фонд биржасида рўйхатга олинган компаниялар акцияларни кўрсатувчи учун чиқарди, асл эгаларни излаш имкониятини амалда йўққа чиқаради. Лекин, ҳатто, эгаси номига берилган акциялар чиқариладиган мамлакатларда ҳам (Финляндия, Греция, Ирландия, Италия, Швеция, Англия) бу акциялар, одатда, номинал эгалик қилувчилар номига рўйхатга олинганлигини кузатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, тўқимачилик корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини оширишнинг муҳим механизмларидан бири назорат саналиб, у молиявий йўқотишларнинг олдини олишда асосий ролни бажаради. Шу боисдан ушбу механизмни такомиллашти-

риш долзарб масалалардан бири саналади. Ушбу масалани ҳал этишда яна бир бор хориж тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуласа ва таклифлар. Тикув-трикотаж саноати корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини ошириш учун қўйидаги таклифларни берамиз:

- тикув-трикотаж саноати корхоналарида “бизнес-жараёнлар” харитасини ишлаб чиқиши асосида уни реинжиниринг технологиясини кўллаган ҳолда такомиллаштириш;

- тикув-трикотаж саноати корхоналарида бизнес-жараёнлар самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

- тикув-трикотаж корхоналарида тежамкор технологияларни жорий этиш;

- тикув-трикотаж корхоналарида самарали сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиши ва уни амалиётга қўллаш асосида рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида бизнес-жараёнлар ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
2. Экономика предприятия. Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. А.Е.Карлика, М.Л.Шухгальтер. – СПб., 2009. – 464 с.
3. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь. / Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 479 с.
4. Деревянко О.В. Организационно-экономический механизм планирования бизнес-процессов предпринимательских структур. Дис. ... канд. экон. наук. / О.В.Деревянко. – СПб., 2004. – 156 с.
5. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь. / Б.А.Райзберг, Л.Ш.Лозовский, Е.Б.Стародубцева. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 479 с.
6. Исаев Р. Тўқимачилик саноати корхоналарида интеграллашган комплекс тизимли стратегияни амалга оширишнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт ва таълим. 2021. №. 4. С. 233-236.
7. Кучерова Е.Н. Структурирование проблем устойчивого развития машиностроительного предприятия. Учебное пособие. / Е.Н.Кучерова, К.С.Бармашов. – Вязьма: РИЦ ВФ ГОУ МГИУ, 2016. – 290 с.
8. Чаленко А.Ю. О понятийной неопределенности термина «механизм» в экономических исследованиях. / А.Ю.Чаленко. // Экономика промышленности. 2015. № 3 (51). С. 26-33.



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a40

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЧАНЛИК ФАОЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эрматов Ғафур Холбаевич -
Тошкент давлат техника университети
мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитида унган мосланувчанликни таъминлаш мақсадида ишчанлик фаоллигини баҳолаш услубини такомиллаштириш масаласи ўрганилган.

Таянч сўзлар: тикув-трикотаж корхонаси, фаоллик, ишчанлик фаоллиги, баҳолаш, усул, такомиллаштириш.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКА ОЦЕНКИ ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Эрматов Гафур Холбаевич -
независимый исследователь

Ташкентский государственный технический университет

Аннотация. В статье рассматривается вопрос совершенствования методики оценки деловой активности с целью обеспечения ее адаптивности в условиях меняющейся рыночной экономики.

Ключевые слова: швейно-трикотажное предприятие, деятельность, деловая активность, оценка, метод, совершенствование.

IMPROVING THE METHOD OF EVALUATING BUSINESS ACTIVITY IN TEXTILE ENTERPRISES

Ermatov Gafur Xolbaevich -
Independent researcher
Tashkent State Technical University

Annotation. The article examines the issue of improving the method of assessing business activity in order to ensure its adaptability in the conditions of a changing market economy.

Key words: sewing and knitting enterprise, activity, business activity, assessment, method, improvement.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёни халқаро миқёсда рақобатнинг янада кучайишини келтириб чиқармоқда. Тўқимачилик саноати корхоналари ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг асосий қисмини хориж мамлакатларига экспорт қилади. Ушбу жараёнда тўқимачилик корхоналари ишchanлик фаоллигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш» вазифаси белгиланган[1]. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш республикамиз тўқимачилик корхоналари ишchanлик фаоллигини холисона баҳолашни тақозо этади. Шу боисдан корхона ишchanлик фаоллигини ҳар томонлама ўрганиш орқали уни холисона баҳолаш мамлакат иқтисодий ҳолатини янада яхшилашнинг муҳим омилларидан бири саналади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Ишchanлик фаоллиги” атамасини хорижлик тадқиқотчилар бир неча юз йилликлар олдин кўллашган (инглизчадан «bisiness activity»). Хориж атамалари луғатида “bisiness” атамаси бирорта тижорат соҳасида фаолликни намоён қилишдир, деб қайд этилган [1, 44-б].

Ўтган асрнинг 90-йиллари охирларида бошқариш соҳасидаги кўплаб тадқиқотчилар “ишchanлик фаоллиги”нинг макроиктисодий тушунчасини микродаражада, яъни корхона дараҷасида кўллай бошладилар. Бугунги кунда ушбу тадқиқот йўналишида корхона ишchanлик фаоллигини аниқлашнинг кўплаб ёндашувларини кўриш мумкин.

Корхона даражасида ишchanлик фаоллигини нисбатан тўлиқ даражада В.В.Ковалев тавсифлаган. Унинг фикрича, ишchanлик фаоллиги-

нинг кўрсаткичлари “асосий ишлаб чиқариш кундалик фаолиятининг натижа ва самара”сини тавсифлайди [2, 263-б].

Бизнес луғатларда ишchanлик фаоллигига қуйидагича таърифлар келтирилган:

1. Ишchanлик фаоллиги у ёки бу товарни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг аниқлаштирилган шаклдаги иқтисодий фаолиятдир. Ушбу ёндашув хўжалик тармоқларини турлашнинг халқаро стандарти асосида ётади (International Standart Industrial Classification of all Economic Activities) [3, 81-б].

2. Компания ишchanлик фаоллиги (business activity kompaniy) компания салоҳиятининг таҳлили (ингл. Analysis of enterprise potential), компания ривожланиш имкониятлари ва таркибий ўзгаришлари таҳлилидир. Ушбу таҳлилда таркиб элементлари қуйидагилар саналади:

- ишлаб чиқариладиган товар ёки хизмат;
- истиқболий ишланмалар, маркетинг тадқиқотлари, молиялаштириш манбалари, келгусидаги ҳамкорлар.

Ишchanлик фаоллиги компания-рақобатчига нисбатан ўзининг имкониятларини баҳолаш ва келгусидаги ривожланишдаги имкониятларини яна бир марта сарҳисоб қилишга имкон беради [4, 98-б].

3. Ишchanлик фаоллиги муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятининг зарур шартидир. Уни қуйидагича қараш мумкин:

- ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантиришдаги иқтисодий фаолият;

- инсоннинг ишбилармонлик, ташаббускорлик, фаоллик, ҳаракатчанлигининг хусусиятлари [5, 57-б].

4. Ишchanлик фаоллиги, биринчидан, иқтисодий кўрсаткичлар ўсиши рўй берадиган тижо-

рат ташкилотлари фаолияти ҳолати, иккинчидан, давлатнинг иқтисодий ҳаёти умумий кўтарилишидир [3, 116-б.].

Ишchanлик фаоллиги тушунчаси дастлаб макродаражада иқтисодий ҳодисаларни тавсифлашда қўлланилган.

Хорижлик олимлардан Э.Хелферт ишchanлик фаоллигини мулкни менежерлар томонидан фойдаланиш даражаси сифатида ўрганишни таклиф этиб, ушбу атамага қуйидагича таъриф келтирган: «Ишchanлик фаоллиги – мулк эгаси томонидан ишониб берилган мулқдан менежер қай даражада фойдаланиши» [6].

Кўплаб тадқиқотчилар корхоналарда ишchanлик фаоллиги жараёнини ўрганиш ва уни баҳолашда молиявий ҳолатга эътиборини қартишган ва шунга монанд талқинларни илгари суришган. Масалан, Л.В.Донцова Н.А.Никифорова: «Ишchanлик фаоллиги молиявий жиҳатдан, асосан, маблағлар айланиш тезлигида намоён бўлади», – [7] деб таъриф келтиришган бўлса, Э.В.Рогатенюк ва И.М.Пожарицкий: «Корхона ишchanлик фаоллиги ва унинг бозор ҳолатини тавсифловчи умумий кўрсаткич операцион ва молиявий цикллар давомийлиги саналади», – [8] деб таъриф келтиришган.

Р.А.Исаев томонидан тўқимачилик саноатни стратегик бошқаришни тадқиқ этиш методологиясини такомиллаштириш масаласини ўрганишда тармоқ корхоналари стратегик бошқариш натижадорлигини баҳолаш амалга оширилган [9].

Республикамиз олимларидан Э.А.Акрамов фикрича, «Ишchanлик фаоллиги корхоналар молиявий муқимлигини аниқловчи муҳим омил саналади» [10].

Тадқиқот методологияси. Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, эксперталар баҳоси, интеграл кўрсаткич каби усуллардан фойдаланилди.

Тахжил ва натижалар. Биз ўз тадқиқотларимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари ишchanлик фаоллигини баҳолаш учун танлаб олинган кўрсаткичлар қуйидаги талбларга жавоб бериши лозим, деб ҳисобладик:

- ўзаро боғлиқлик;
- холислик;
- релевантлик;
- ишончлиликнинг тўлиқлиги;
- ҳисоблашдаги қулийлик ва соддалик;
- изоҳланганлик.

Шу билан биргаликда, корхонада ишchanлик фаоллигини баҳолашнинг кўплаб усуллари унинг баъзи бир фаолияти соҳаларини тавсифлайди, холос: фақат товар ишchanлик фаоллигини, ишlab чиқариш самарадорлигини, сотиш самарадорлигини.

Шу боисдан мураккаб саналган саноат корхонасида ишchanлик фаоллигини баҳолашда бир қанча усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тўқимачилик корхоналарининг ажralиб турадиган хусусиятларидан бири шуки, ушбу корхоналарда маҳсулот ишlab чиқариш харажатлари таркибида хомашё сарфи етарлича юқори улушни (85-90 фоизни) ташкил этади.

Шунинг учун ушбу корхоналар ишchanлик фаоллигини ҳисоблаш жараёнида ушбу ҳолатга етарлича эътиборни қаратиш талаб этилади.

Шундан келиб чиқиб, корхонада ишchanлик фаоллигини баҳолашнинг мавжуд усулларига таянган ҳолда барча тўқимачилик корхонасининг ишlab чиқаришидаги ажralиб турадиган белгиларига қараб унинг ишchanлик фаоллигини ҳисоблашнинг модель кўринишидаги услубини ишlab чиқдик.

Тўқимачилик корхонаси ишchanлик фаоллигини баҳолаш масалалари модели қуйидаги чиқллантирилади: ўрганилаётган тўқимачилик корхонаси ишchanлик фаоллигини “аниқ намуна” ёки тармоқдаги энг юқори натижага эришган корхона билан таққослаш орқали аниқлансин. Уни амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1-босқич. Тўқимачилик корхонасида ишchanлик фаоллигини баҳолаш кўрсаткичларини танлаш ва уни гуруҳлаштириш. Кўплаб таққосланувчи тўқимачилик корхоналари алоҳида ишchanлик фаоллиги кўрсаткичлари билан $A = \{a_{ij}\}$ матрицани ташкил этади, бу ерда:

i – ишchanлик фаоллиги кўрсаткич тартиб рақами ($i = 1, 2, 3, \dots, n$), j – корхона тартиб рақами ($j = 1, 2, 3, \dots, m$).

2-босқич. Танланган тўқимачилик ҳамда рақобатчи корхоналарда ишchanлик фаоллиги кўрсаткичлари ҳамда омилларини ўрганиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш.

3-босқич. Етакчи корхонани ёки шартли “аниқ намуна” корхонани аниқлаш. Ҳар бир танлаб олинган кўрсаткичининг максимал қиймати $a_{im+1} = \max_j (a_{ij})$ (агарда кўрсаткич ўсиши ишchanлик фаоллигининг ошишини келтириб чиқарса) ёки минимал қиймати $a_{im+1} = \min_j (a_{ij})$ (агарда кўрсаткич пасайиши ишchanлик фаоллигининг ошишини келтириб чиқарса) ҳамда $m + 1$ тартиб рақами бериладиган шартли “аниқ намуна” корхона устунига ёзиб қўйилади.

4-босқич. “Аниқ намуна” корхона кўрсаткичига нисбатан ишchanлик фаоллиги кўрсаткичларини нормаллаштириш амалга оширилади. A матрица ҳар бир ишchanлик фаоллиги кўрсаткич ҳар бир “аниқ намуна” корхона кўрсаткичи билан қуйидаги формула ёрдамида меъёрлаштирилади:

$$x_{ij} = \frac{a_{ij}}{a_{im+1}}, \quad 1)$$

бунда: x_{ij} – j -тұқымачилик корхонасининг меъёрлаштирилган күрсаткичи;

a_{ij} – j -тұқымачилик корхонасининг i -хақиқатдаги күрсаткичи;

a_{im+1} – “аниқ намуна” тұқымачилик корхонасининг i -хақиқатдаги танлаб олинган күрсаткичи.

Ишчанлык фаоллиги интеграл күрсаткичини ҳисоблаш учун олинган қийматларни сошлишириш керак, бу сифат күрсаткичларининг рақамли ифодасини ва барча ўлчов бирликтарини солиштирма шаклга қысқартиришни талаб қиласы. Бундан ташқары биз барча күрсаткичларни битта миқдорий қиймат билан алмаштирамиз, бу ўзаро алмаштириладиган күрсаткичларнинг комбинацияси бўлиб, комплекс баҳолаш деб аталади. Йиғиш натижасида комплекс баҳолаш (КБ) олинади, яъни у интеграл күрсаткичdir. Комплекс баҳолашнинг асосий афзаллиги шундаки, сиз исталган миқдордаги обьектларни таққослашингиз, уларни тартиблишингиз, энг яхши ва энг ёмон обьектларни аниқлашингиз ва бир обьект таҳлил қилинганидан қанчалик яхши ёки ёмонроқ эканлигини аниқлашингиз мумкин. Комплекс баҳолаш ёрдамида маъноси жиҳатидан фарқ қилувчи күрсаткичларнинг исталган сони таҳлил обьектини тўлиқ тавсифловчи ягона интеграл күрсаткич билан алмаштирилади. Тадқиқотда биз асосий усолларни ўрганиш натижаларига асосланиб, ишчанлик фаоллигини баҳолашда даражани баҳолаш усулидан фойдаландик, чунки у талабларга жавоб беради, яъни ҳисоблаш осон, ҳар қандай йўналишдаги күрсаткичлардан, ҳар қандай миқёс ва қиймат оралиғида фойдаланишга имкон беради. Бу усул О.Б.Бендерская ва И.А.Слабинская томонидан ишлаб чиқилган[11].

5-босқич. Ишчанлик фаоллиги коэффициентини ҳисоблаш.

Тадбиркорлик фаолияти бир йилдан ортиқ вақт давомида шакллантирилган ва баҳо-

ланганлиги сабабли барча миқдорий қийматлар 5 йил давомида динамикада тақдим этилади. Ушбу қийматларни (3) formuladan фойдаланиб, ўртача қийматни топиш орқали кейинги ҳисоб-китоблар учун бирлаштириш мумкин:

$$K_{sifat} = \frac{\sum_{j=1}^n KB_{ij}}{n}, \quad (2)$$

$$K_{miqdor} = \frac{\sum_{j=1}^n KB_{ij}}{n}, \quad (3)$$

бу ерда: K_{sifat} – сифат күрсаткичлари интеграл баҳоси;

K_{miqdor} – миқдорий күрсаткичлар интеграл баҳоси;

$\sum_{j=1}^n KB_{ij}$ – j -йилда i -ишчанлик фаоллигининг комплекс баҳоси; n – йиллар сони.

Ҳам сифат, ҳам миқдорий күрсаткичлар интеграл баҳосини ҳисобга оладиган ишчанлык фаоллиги коэффициенти (ИФК) қуидаги тақдим этилади (4-формула). Шу билан бирга, биз сифат ва миқдорий күрсаткичларни максимал даражада оширишни ҳам ҳисобга оламиз. Шунинг учун сифат күрсаткичининг, яъни маҳражнинг пасайиши натижасида ИФКнинг мумкин бўлган ўсишининг олдини олиш учун күрсаткични фарқ сифатида күрсатиш керак (100 - K_{sifat}):

$$IFK = \frac{K_{miqdor}}{1-K_{sifat}}, \quad (4)$$

Ишчанлик фаоллиги даражасини баҳолаш учун таклиф этилаётган модель фаолиятнинг турли соҳаларидаги корхоналар учун долзарб бўлиб, ташқи муҳит шароитлари ёки ҳисбот хужжатлари шакллари ўзгарганда, тузатишни талаб қилмайди.

6-босқич. Ишчанлик фаоллиги даражасининг олинган қийматларини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш. Ишчанлик фаоллиги даражасининг олинган қийматларини баҳолаш ишлаб чиқилган иерархик шкалага мувофиқ тақсимланиди ва 1-жадвалда келтирилган.

7-босқич. Ишчанлик фаоллигининг асосий омилларини башоратлаш ва таққосланувчи тұқымачилик корхоналарида ишчанлик фаоллиги даражасини башоратлаш.

1-жадвал

Саноат корхонасининг ишчанлик фаоллиги даражаси қийматининг иерархик шкаласи

Паст (IFK_p)	Қониқарли (IFK_q)	Үрта ($IFK_{o'}$)	Юқори (IFK_{yu})
$IFK_p < 0,5$	$0,5 \leq IFK_q < 1$	$1 \leq IFK_{o'} < 1,5$	$IFK_{yu} \gg 1,5$

8-босқич. Ишчанлик фаоллиги коэффициенти бўйича тұқымачилик корхоналарини тоифаларга ажратиши.

9-босқич. Тұқымачилик корхонасида ишчанлик фаоллигининг күрсаткичларини таҳлил қилиш.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, биз томондан тұқымачилик корхоналарида ишчан-

лик фаоллигини баҳолашнинг тақомиллаштирилган усули ушбу фаолиятни холисона баҳолаш орқали улар фаолиятини яхшилашга, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга имкон беради. Умуман олганда, тұқымачилик корхоналари ишчанлик фаоллигини ошириш учун қуидаги таклифларни берамиз:

ишлаб чиқарыш фаоллигини оширишда мавжуд технологик паркни доимий равища янгилаш, сифатли тиклаш ишларини амалга ошириш;

инвестиция фаоллигини ошириш учун тармоқни янада ривожлантиришнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш ва у асосида кенг миқёсда хориж инвестицияларини жорий этишини таъминлаш;

инновация фаоллигини ошириш мақсадида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва улар самарадорлигини баҳолаш усусларини та-комиллаштириш;

ташкилий фаолликни жадаллаштириш учун тармоқ бошқарув таркибий тузилмасини

бозор ўзгаришларига мослаштириш, ходимлар малакасини доимий равища ошириш, тизимли равища малакали кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

маркетинг фаоллигини ошириш мақсадида бозор конъюнктурасини маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганиш, янги истиқболли бозор сегментларини излаб топиш, ривожланиши самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш;

экологик фаолликни ошириш мақсадида корхона ходимлари ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, атроф-муҳим ифлосланишига йўл қўймаслик.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
- 2.Ковалев В.В. Введение в менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2018. – 768 с.
- 3.Некрасов С.В. Экономический словарь. – М.: Перспектива, 2013. – 698 с.
- 4.Тарасов А.А. Экономический словарь. – М.: Перспектива, 2012. – 716 с.
- 5.Райзберг Б.А., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 479 с.
- 6.Хелферт Э. Финансовый анализ. / Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2014. – 674 с.
- 7.Донцова Л.В. Комплексный анализ бухгалтерской отчетности. / Л.В.Донцова, Н.В.Никифорова. – М.: Издательство “Дело ва Сервис”, 4-е изд., 2001.
- 8.Рогатенок Э.В., Пожарская И.М. Финансы предприятия. Учебное пособие. – Симферополь: КАПКС, 2012. – 271 с.
- 9.Isaev R.A. Improvement of organizational and management mechanisms of implementation of the strategy in the enterprises of the textile industry. // Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. 27, No. 2,2021. PP. 5738-5742.
10. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Учебное пособие. – Т.: Издательство ТГЭУ, 2000. – 168 с.
11. Slabinskaya I.A., Benderskaya O.B. Stable development' term and its usage in Russian economic editions. // Journal of Fundamental and Applied Sciences. 2016. Vol. 8. № 2S. P. 1494-1501.



ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА РИСКЛАРНИ СҮНДИРИШ МАҚСАДИДА ДИНАМИК ИМКОНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Худайназарова Диором Хайруллаевна -
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети катта ўқитувчиси

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a41

Аннотация. Мазкур мақолада тўқимачилик саноати корхоналарининг динамик имкониятларини баҳолаш механизmlари келтирилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати корхоналари мисолида қўллаш ёритилган, тўқимачилик саноати корхоналарида инкрементал инновацион фаолиятни амалга оширишининг устувор жиҳатлари келтирилган.

Калит сўзлар: динамик имкониятлар, сервิตизация, инновацион коэффициент, доминант инвестиция, қўшилган қиймат, инновацион салоҳият, маҳсулот барқарорлиги.

ОЦЕНКА ДИНАМИЧЕСКИХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ДЛЯ СНИЖЕНИЯ РИСКОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА

Худайназарова Диором Хайруллаевна -
Старший преподаватель университета информационных
технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий

Аннотация. В данной статье представлены механизмы оценки динамических возможностей предприятий текстильной промышленности, освещено ее использование на примере предприятий текстильной промышленности Республики Узбекистан, а также приоритетными аспектами реализации инкрементальной инновационной деятельности на предприятиях текстильной промышленности являются представлены.

Ключевые слова: динамические возможности, сервитизация, коэффициент инновационности, доминирующие инвестиции, добавленная стоимость, инновационная мощь, стабильность продукта.